

W.Krull va S.Mares лар АҚШда 1953-1954 йилларда дикроцелиоз қўзғатувчисининг биологик ривожланишини илк бор фанда очиб берган бўлсалар, Ўзбекистон шароитида паразитнинг биринчи ва иккинчи оралиқ хўжайинларининг турларини, экологиясини, уларнинг *D.lanceatum* билан зарарланиш муддатларини, уларда унинг личинкаларининг ривожланишини, кишлашини, дефинитив хўжайинларда паразитнинг жигар ўт йўлларига қайси йўл билан боришини, турли хил ҳайвонлар (қўй, эчки, қорамол, тоқ туёқли ҳайвон, қуён, айрим кемирувчилар) да паразитнинг вояга етиш даврини ва бошқа муҳим масалаларни биринчи бўлиб устозимиз Б.Салимов 1961-йилдан бошлаб ўрганишга киришди. Ушбу масалаларнинг кўпчилиги америкалик олимлар томонидан ўрганилмаган эди. Муаллифнинг ушбу тадқиқотлари унинг номзодлик ва докторлик диссертацияларида, илмий мақолаларида, монография ва тавсияномаларида, зоологиянинг дарсликларида ўз аксини топган. *D.lanceatum* биологиясининг муҳим жиҳатлари ўқув жараёнига киритилган, улар бўйича талаба ва магистрантлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришади. Шунга кўра профессор Б.Салимовнинг дикроцелиозни ўрганишга бағишлаган кўп йиллик ишлари фан ва амалиётни бирмунча бойитган ва улар ёшлар учун илмий мактаб бўлиб ҳисобланади. Ундан фойдаланган ҳолда бизлар 2015-йилдан бошлаб институтнинг ўқув-тажриба хужалигидаги дикроцелиозга носоғлом бўлган ҳудудда унинг қўзғатувчисининг оралиқ хўжайинларининг экологиясини, паразитнинг личинкалари билан зарарланганлигини ўз тажрибаларимизда аниқлаб, ушбу масалалар бўйича адабиётда йўл қўйиб келинаётган айрим илмий хатоликларга изоҳ бериб келмоқдамиз.

Хулоса: Юқорида баён қилинган илмий маълумотлар уч хўжайин иштирокида ривожланувчи дикроцелиоз қўзғатувчисининг биологиясини ўрганишда турли давлатларнинг олимлари томонидан 100 йил давомида қанчалик машаққатли тадқиқотлар олиб борилганлигини ва уни муваффақиятли ечилганлигини кўрсатиб турибди.

ҚОРАМОЛЛАРДА ТУБЕРКУЛЁЗ КАСАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШДА ТУБЕРКУЛИНИЗАЦИЯ ЎТКАЗИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**А.А.Амиров, М.Тўрақулов – магистрантлар,
А.А.Қамбаров – катта ўқитувчи, в.ф.н.**

Аннотация: Илмий тадқиқот иши қорамолларда туберкулинизация ўтказиш қоидалари, реакция натижаларини аниқлаш, туберкулинизациянинг хиллари, ўтказиш услублари, моҳияти ва аҳамияти ёритилган.

Аннотация: Данной научной статье освещены техники, правила, цель и задачи проведение туберкулинизации у крупного рогатого скота, а также виды туберкулинизации, методы туберкулинизации и определение результаты туберкулинизаций.

Калит сўзлар: аллерген, туберкулин, альтуберкулин, аллергик реакциялар (анэргик, нормергик, гипозэргик, гиперэргик), аллергия, анафилаксия, офталма синов, тери орасига синов, ППД – паррандалар учун, ППД – қора моллар учун, КАМ – микобактерияларнинг ноантиген турлари комплекси, мусбат реакция, манфий реакция, амплификация, кантаминация.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2006 йил 23-мартдаги ПҚ-308-рақамли ва 2008 йил 21-апрелдаги ПҚ-842-рақамли қарорлари ижроси натижасида нафақат фермерлар, балки аҳоли қарамоғидаги чорва моллар, паррандалар бош сони йилдан –йилга кўпайиб бориши кузатилмоқда. Мамлакатимизда қорамоллар бош сони 11 млн. 637 минг, шу жумладан сигирлар сони 4 млн. 173 минг, қўй-эчкилар 19 млн. 96 минг, отлар 216.569 бош ва паррандалар 61 млн.дан зиёд бошни ташкил қилмоқда. Бу эса халқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга катта имкониятлар яратиш демакдир. Қисқача айтганда, чорвачилик соҳасида улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4-февралдаги 03-48-8 рақамли “Давлат ветеринария хизмати тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирлар дастури”да “Ҳайвонлар касалликларининг олдини олиш бўйича аҳоли, чорвадорлар ва мутахассисларнинг билим савиясини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар режаси” тасдиқланган.

Туберкулёз касаллиги зооантропоноз касалликларига киради, ўта хавфли инфекцион касаллик, мамлакатимизда учраб турибди. Сил касаллиги инсонларга касал ҳайвонлар маҳсулотлари (зарарсизлантирилмаган) орқали, аэроген, чанг инфекцияси, контакт йўллари билан юқади. Туберкулёз инсониятга юқиши бу сиёсий, ижтимоий зарар, касал ҳайвонларни мажбурий йўқотиш бу моддий зарар, экологик муҳитни соғломлаштириш, чорвачиликни соғломлаштиришга кетган молиявий харажатлар, ишчи кучи, профилактик, диагностик тадбирлар қиймати катта маблағларни ташкил этади. Юқоридагилардан хулоса чиқарган ҳолда туберкулёз касаллиги диагностикаси, қарши кураш ва профилактик тадбирларни аъло даражада ўрганиш, амалиётда қўллай олиш билим-кўникмаларига эга бўлиш ҳар бир ветеринар мутахассисининг бурчидир.

Илмий тадқиқот ишнинг мақсади. Қорамолларда туберкулёз касаллигини аллергия текширувнинг офталмо синов, тери орасига синов услубларини қўллаган ҳолда диагноз қўйишни тўлиқ, мукамал ўзлаштириш ва билим, кўникмалар ҳосил қилиш, текширув натижаларини аниқлашни тўлиқ ўзлаштириш.

Илмий тадқиқот ишининг вазифаси. Самарқанд вилояти қорамолчилик фермер хўжаликларида туберкулинизациянинг офталмо синов, тери ораси синови методларини мукамал ўзлаштириш, натижаларни ҳисоблаш ҳақида билим-кўникмаларга эга бўлиш.

Илмий тадқиқотнинг текшириш услублари. Белгиланган фермер хўжаликда қорамолларда офталмо синов, тери ораси синови (игнали ва игнаси) ўтказилиб, олинган натижаларни ўрганиш, таққослаш, хулоса чиқариш. Туберкулинизацияни беҳато ўтказишни мукамал ўзлаштириш.

Илмий тадқиқот иши объекти ва предмети. Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Асрор бобо фермер хўжалигида 214 бош соғин сигир, 62 бош ғуножин, 4 бош буқалар, 116 бош бузоқлар. Жами 396 бош қорамоллар бўлиб, туберкулёз касаллигига аллергия текширувнинг 62 бош ҳайвонда офталмо синов, тери ораси синови текширувларидан ўтказилиб, натижалар таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Аввалом бор шуни таъкидлашимиз жоизки туберкулинизацияни ўтказиш учун ВИТИ Туберкулёзга қарши курашиш лаборатория мудири Мамадуллаев Г.Ҳ. томонидан 2011 йил ишлаб чиқилиб ЎзР ДВББ томонидан тасдиқланган “Ҳайвонлар туберкулёзининг диагностикаси бўйича йўриқнома”си бўйича аллергия текширув ўтказилди. Бу борада муаллифнинг йўл-йўриқ, кўрсатмаларига тўлиқ амал қилинди.

Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26-январдаги “БМТнинг минг йиллик тараққиёт мақсадларини 2011-2015 йилларда Ўзбекистонда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 21-рақамли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлигининг 2011 йил 30-январдаги 20-рақамли буйруғига мувофиқ “Ҳайвонлар туберкулёз касаллигини даволаш ва профилактика қилиш бўйича ветеринария-санитария идоралараро меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш” топшириқларини ижросини таъминлашга қаратилган.

1. Умумий қоидалар.

1.1. Туберкулёз – юқумли, сурункали, зооантропоноз, инфекцион касаллик бўлиб, барча ҳайвонлар, паррандалар ва одамлар касалланади ва ички аъзоларда, тўқималарда махсус туберкулалар (тугунчалар) ҳосил бўлиши билан характерланади.

Касаллик қўзғатувчилари – микобактериялар авлодига мансуб бўлиб, 38 дан ортиқ турлари аниқланган. *M.bovis* – қорамолларда, *M.humanis* – одамларда, *M.avium* – паррандаларда касалликни қўзғатади. Ҳар бир тур ўзига мансуб ҳайвон, одамлар ва

паррандаларда касаллик чақириши билан бир қаторда, бошқа турларга ҳам патогенлик хусусиятига эга.

M.bovis тури асосан қорамолларда патогенлик қилади. Бундан ташқари бу турга барча сут эмизувчи ҳайвонлар ва одамлар организми мойил.

M.humanis турига одамлардан ташқари чўчқалар, эчкилар, мушуклар, итлар мойил.

M.avium хонаки ва ёввойи паррандаларда туберкулёзни кўзгатади. Бу тур чўчқалар организмида ҳам патологик ўзгаришларни ҳосил қилади, ҳамда қорамоллар организмни қисқа муддат туберкулинга сенсибиллаши мумкин.

Нотипик (атипик) микобактерияларнинг баъзи турлари ёки ассоциацияси қорамоллар, чўчқалар ва паррандалар организмни туберкулинга сенсибилизациялаши мумкин, айрим ҳолларда нотипик микобактериозлар чўчқаларнинг лимфатик тугунларида патоморфологик ўзгаришлар ҳосил қилади ва бундай ўзгаришларни туберкулёзга хос ўчоқлардан фарқлаб бўлмайди.

1.2. Ҳайвонлар туберкулёзининг диагностикасида эпизоотологик, клиник, патоанатомик, гистологик, бактериологик, аллергия ва молекуляр генетик полимер занжир реакцияси (ПЗР) методлари қўлланилади. Туберкулёзнинг ветеринария амалиётида кенг ишлатилаётган методи тери орасига туберкулин синамаси юбориш (қорамол, қўй-эчки), мўйнали ҳайвонлар ва тулқиларда пальпебрал синама, отларда – офтальмо синама методлари ҳисобланади.

Туберкулёз бўйича соғлом ҳўжаликларда туберкулинга ижобий реакция берган ҳайвонларни ажратиб олиш ва қўшимча аллергия синама ва венага туберкулин юбориш усуллари ўтказилади. Ижобий натижа олинса, мажбурий гўштга топширилади.

1.3. Қорамолларда туберкулёзга диагноз қуйидаги ҳолатларда тасдиқланган ҳисобланади:

- патолого анатомик ўзгаришлар тўлиқ мос келса;
- клиник белгилари аниқ намоён бўлмаганда ПЗР ва биосинама методи ижобий натижа берса;
- бактериологик текширувда *M.bovis* ёки *M.humanis* турлари аниқланса;
- биосиновда ижобий натижа олинса.

1.4. Қорамолларда аллергия текшириш учун фақат қорамоллар учун ишлаб чиқилган ППД ишлатилади. ППД флакони очилган куни ишлатилиши шарт.

1.5. Тери орасига ППД юбориш игнасиз инъекторлар (БИ – 7, ИБВ – 01, ИБВ – 02), игнали 1-2 мл.лик махсус шприц ва игналар, кўзга эса кўз пипеткалари ёрдамида юборилади.

1.6. Туберкулинизация қорамолларда 2 ойлик ёшдан бошлаб ўтказилади.

1.7. Ҳайвонлар юқумли касалликлар ва гельментларга қарши эмланган бўлса 21 кундан сўнг туберкулинизация ўтказиш мумкин.

1.8. Туберкулин қорамолларга 0,2 мл бўйин териси орасига инъекция қилинади (бўйиннинг марказига).

Туберкулин юборишдан олдин шу жойнинг жуни қирқилиб тозаланиб, 70° спиртли тампон билан артилади. Реакция натижасини 72 соатдан кейин аниқланади. Носоғлом пунктларда икки марта туберкулинизация ўтказилади, иккинчи марта юборилгандан сўнг реакция натижаси 24 соатдан кейин аниқланади.

Симультан синама – текширилаётган ҳайвонларда ижобий реакция берувчи ҳайвонлар сони 6 бошдан кам бўлмаслиги керак, бу эпизоотик ҳолатни баҳолаш учун шарт.

Бизнинг илмий тадқиқот ишимизда 70 бош соғин сигир-бузоқлари билан, 2 бош насли буқа, 20 бош ғуножинлар тўлиқ ветеринария кўригидан ўтказилиб аллергия текширув ўтказилди.

Биринчи марта тери орасига ППД юбориш усули ўтказилди. Жами 62 бош ҳайвон бўйин марказига юборилди, 0,2 мл ППД, игнали метод, натижа 72 соатдан кейин кутиметр (штанг циркул) билан теридаги шиш ҳажми ўлчаниб аниқланди. Мусбат – ижобий реакция – 4 бош соғин сигир ва 4 бош бузоқ ўша сигирларнинг бузоқлари. Буқалар манфий реакция берди. Ғуножинлардан 2 боши ижобий-мусбат реакция берди.

Бир ойдан кейин мана шу ҳайвонларда офтальмо синама ўтказилди, тери орасига юборилганда олинган натижалар бу усулда ҳам худди юқоридагидай мусбат натижалар олинди.

Тумандаги тажрибали ветеринария врачлари билан маслаҳатлашиб ПЗР, бактериологик текширув, биосинамалар методлари билан текшириш тавсия этилди. Эпизоотологик таҳлиллар шуни кўрсатдики биз тажриба ўтказган пунктлар туберкулёзга носоғлом ҳудудлар эканлиги тасдиқланди.

Хулосалар:

1. Туберкулинизация текшируви барча фермер хўжаликларида режа асосида ўтказилиб туриши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

2. Фермер хўжаликлари раҳбарларига ўта хавфли юқумли касалликларни бартараф этиш бўйича семинар-тренинглар ўтказиш лозим деб ҳисоблаймиз.

3. Фермер хўжаликлар санитар-зоогигиеник маданиятини юксалтириш аини куннинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

4. Туберкулёз диагностикаси тадбирларини, пода ҳаракатини қаттиқ назорат остига олиш шарт деб ҳисоблаймиз.

СИГИРЛАРДА БЕПУШТЛИКНИНГ САБАБЛАРИ

З.Алиқулов – талаба, М.А.Сулаймонов – ассистент

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 23 мартдаги 308- ва 2008 йил 21 апрелдаги 842-сонли қарорларида чорва моллари бош сонини кўпайтириш, уларнинг зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш борасида зооветеринария хизматлари сифатини яхшилаш вазифаси қўйилган. Ушбу долзарб вазифаларни самарали бажаришга қорамолчилик фермер хўжаликларида парваришланаётган сигирларнинг гинекологик касалликлари, шу жумладан бепуштликлар катта тўсқинлик қилмоқда.

Ҳайвонлар учун озиқалар етиштириладиган майдонларда картограммаларнинг ўрганилмаганлиги, тупроқларнинг шўрланиши ва минерал ўғитлардан стихияли тарзда фойдаланиш ҳайвонлар орасида эндемик остеодистрофия, гипокупроз, гипокобальтоз, алиментар анемия, буқоқ каби эндемик касалликларнинг кўп учрашига ҳамда она ҳайвонларнинг бепуштлигига сабаб бўлмоқда.

Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳозирги кунгача Республикамиз қорамолчилик хўжаликлари, шу жумладан, фермер хўжаликлари шароитида сигирларнинг моддалар алмашуниви бузилишлари билан боғлиқ бепуштликлари тўлиқ ўрганилмаган. Касалликларнинг тарқалиши, сабаблари, касалликни даволаш ва олдини олишнинг бугунги бозор иқтисодиёти шароитларига мос келадиган усуллари ишлаб чиқилмаган. Бу ўз навбатида хўжаликларнинг иқтисодий имкониятлари, иқлими ва маҳаллий шароитларини ва шунингдек, самарадорлиги юқори ва арзон маҳаллий воситалардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш эҳтиёжини туғдиради.

Бепуштлик (бесплодие, Steriliakitas) - ҳайвонларда кўпайиш аъзолари функцияларининг вақтинчалик ёки бутунлай бузилиши бўлиб, катта ёшдаги урғочи ҳайвон тукқандан сўнг турли сабабларга кўра, бир ой давомида, ёш ҳайвонлар физиологик жиҳатдан етилгандан кейин бир ой давомида уруғланмаса улар бепушт деб ҳисобланади.

Бепуштликнинг белгилари ҳайвоннинг узоқ муддат давомида куйга келмаслиги, бир неча марта уруғлантиришдан кейин ҳам уруғланмаслик, жинсий цикл муддатларининг бузилиши ҳисобланади.

Профессор А.П.Студенцов таснифи бўйича сигирларда бепуштликларнинг сабабларига кўра туғма, қарилик, симптоматик, алиментар, эксплуатацион, иқлимий, сунъий бепуштликлар фарқланади. Бу сабаблар орасида алиментар омиллар катта салмоққа эга бўлиб, ҳайвонларни етарли даражада озиқлантирмаслик ёки керагидан ортиқ озиқлантириш, рационда жинсий тизм аъзолари фаолиятига тасир этувчи муҳим компонентларнинг (оксил,